

«Бекободцемент» АЖ кузатув
кенгашининг 2016 йил 30 ноябрдаги
қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Бекободцемент» АЖ кузатув кенгаши мажлислиарини сўров усулида
ҳамда видео-конференц-алоқа режимида ўтказишнинг тартиб
ва ҳолатлари тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом ва Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган, ва у кузатув кенгаши мажлисларини сўров усулида ҳамда видео-конференц-алоқа режимида ўтказишнинг тартиб ва ҳолатларини белгилайди.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ СЎРОВ УСУЛИДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2. Иш режасига мувофиқ ҳолда, баъзи масалалар бўйича кузатув кенгашининг мажлислари сўров усулида ўтказилиши мумкин.

3. Мажлисни сўров усулида ўтказиш вақтида Кузатув кенгаши раиси унинг ўтказилиш санасини, кун тартибини белгилайди ва ижроия органига жўнатади.

4. Ижроия органи мажлис ўтказилиш кунидан 10 кун олдин кун тартиби масалалари билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлайди ва ва уларни кузатув кенгаши аъзоларига жўнатади.

5. Агар кузатув кенгаши аъзоси мажлис сиртдан ўтказилиши бўйича ўз эътиrozларини мажлисдан олдин билдиrsa, ижроия органи бу ҳақда дарҳол кузатув кенгаши раисига хабар беради. Бундай ҳолатда кузатув кенгаши раиси кузатув кенгашининг бевосита мажлисини чақиради.

6. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сўров усулида унинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин, қуйидаги масалалар бундан мустасно (Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқлиги юзасидан қараш лозим):

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият ижроия органи ҳисботини тинглаш, шу жумладан, жамият ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоралар ҳақида, шунингдек, ички аудит хизмати ва тафтиш комиссияси ҳисботини тинглаш;

акциядорлар умумий йиғилишига жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисидаги масалани киритиш;

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш.

7. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан (сўров усулида) унинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8. Кузатув кенгаши мажлисини сўров усулида ўтказиш вақтида, мажлис баённомасида унинг сўров усулида ўтказилаётгани кўрсатилади.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ СЎРОВ УСУЛИДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

9. Агар техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификациялаш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлса, кузатув кенгаши мажлислари видео-конференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

10. Мажлисни видео-конференц-алоқа режимида ўтказиш вақтида Кузатув кенгаши раиси унинг ўтказилиш санасини, кун тартибини белгилайди ва ижроия органига жўнатади.

11. Ижроия органи мажлис ўтказилиш кунидан 7 кун олдин кун тартиби масалалари билан боғлик ҳужжатларни тайёрлайди ва ва уларни кузатув кенгаши аъзоларига жўнатади.

12. Видео-конференц-алоқа режимида кузатув кенгаши ваколатига кирадиган барча масалалар кўриб чиқилиши мумкин.

13. Кузатув кенгаши мажлисини видео-конференц-алоқа режимида ўтказиш вақтида, мажлис баённомасида унинг сўров усулида ўтказилаётгани кўрсатилади.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14. Кузатув кенгаши баённомаси у ўтказилган кундан кейин узоги билан 10 кун ичida тузилиши лозим.

15. Ушбу Низом нормаларига риоя қилишнинг назорати кузатув кенгаши раиси ва унинг аъзолари томонидан амалга оширилади.